

АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ ТУШУНЧАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ТАДҚИҚИ

Тухтаев Сирожиддин Тошпўлатович,

М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: jumayevau181@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий тилшуносликда аксиологик ёндашувдан фойдаланишнинг аҳамияти, самарадорлиги, имкониятлари ва заруратини ёритиш мақсад қилинган. Шу маънода аксиологик ёндашувнинг мазмуни, таърифи ва қўлланиш ўрни, усуллари кўриб чиқиш талаб этилади. Замонавий тилшуносликда тил ходисаларини антропоцентрик тамойилга асосланган ҳолда ўрганувчи янги илмий-тадқиқот йўналишларининг ривожланиши билан характерланади. Шунингдек, мақолада аксиологик ёндашув асосида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Калит сўзлар: тилшунослик, аксиология, мақоллар, лисоний олам манзараси, қадриятлар, тил, жамият, концепция, маданий қадриятлар, баҳо.

Аксиологик ёндашувнинг назарий асослари В. фон Гумбольдт томонидан яратилган бўлиб, олим лисоний олам манзараси масаласини илк бор кўтарган ва тилни нафақат алоқа воситаси, балки халқнинг дунёқараши ва қадриятларини акс эттирувчи восита эканлигини таъкидлаган (Гумбольдт, 1985).

Тил ва маданий қадриятлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишда Э. Сепир ва Б. Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси ҳам аҳамиятли бўлиб, улар таъкидлашича, ҳар бир тил ўзига хос дунёни кўриш усулини яратади ва бу жараёнда маданий қадриятлар муҳим рол ўйнайди (Сепир, 1993). А. Вежбицкая эса ҳар бир тилда мавжуд бўлган “маданий калитлар” концепциясини ишлаб чиқиб, тил орқали ифодаланадиган қадриятлар тизими миллий маданиятнинг хусусиятларини очиқ беришини асослади [3, 35-36].

Рус тилшунослигида лингвоаксиологиянинг ривожланишида Н.Д. Арутюнованинг хизматлари аҳамиятга эга. Олима “баҳо” категориясини тил тизимининг турли сатҳларида намоён бўлишини ва шу қаторда ижтимоий-маданий ва психологик омилларга ҳам таянишини тадқиқ этган [2, 5-6]. Бу йўналишни Е.М. Вольф давом эттириб, баҳо категориясини функционал-семантик майдон сифатида ўрганди ва баҳонинг лингвистик воқеланишида субъект, объект ва баҳо асоси каби компонентларни аниқлади [4, 12-15].

В.И. Карасик таъкидлашича, тилда мужассамлашган қадриятлар тизими жамиятнинг маданий кодини ташкил этади ва бу код авлоддан-авлодга узатилиб боради (Карасик, 2002). Г.Н. Складневскаянинг ишларида

баҳо категориясининг коннотатив аспектлари урғуланиб, баҳоловчи коннотациялар метафорик кўчимлар асосида шаклланиши таъкидланади. Тилда баҳонинг ифодаланиши миллий-маданий хусусиятлар билан боғлиқдир [9, 43-45].

В.Н. Телия эмотив-баҳоловчи коннотацияларнинг фразеологик бирликлар семантикасидаги ролини тадқиқ этган. Фразеологизмларда баҳо ва эмоционаллик узвий боғлиқ бўлиб, улар миллий-маданий стереотипларни акс эттиради. Фразеологик бирликлар орқали ифодаланган баҳо кўпинча образли асосга эга бўлади [10, 82-84].

В.А. Маслованинг тилни маданий қадриятларни сақловчи ва етказувчи восита сифатида ўрганиб, тил бирликларининг миллий-маданий семантикасини очиб беришга алоҳида эътибор қаратади, тил бирликларида халқнинг тарихий тажрибаси, урф-одатлари ва қадриятлари мужассамлашган, дея эътироф этади [6, 35-37].

Н.Ф. Алефиренконинг фразеологик семантика борасидаги фикрича, фразеологизмлар халқнинг қадриятли тасаввурларини акс эттирувчи лингвосемиотик белгилар сифатида фаолият кўрсатади. Фразеологик бирликларда миллий дунёқараш ва стереотиплар билан боғлиқ баҳоловчи компонентлар мужассамлашган бўлади [1, 76-78].

Т.В. Булыгина баҳо категориясининг коммуникатив-функционал хусусиятлари ўрганган. Баҳо нутқий мулоқотда муҳим прагматик функцияни бажаради ва сўзловчининг коммуникатив мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади. Баҳо ифодалашнинг прагматик воситалари тил тизимининг турли сатҳларида намоён бўлади [3, 193-195].

Концептуал-методологик нуқтаи назаридан, Қиём Назаровнинг “Қадриятлар фалсафаси (Аксиология)” асарида, шубҳасиз, Марказий Осиёда аксиологиянинг онтологик ва эпистемологик ривожланиш тенденциялари ҳамда унинг Ўзбекистоннинг социомаданий қадриятлар тизимини шакллантиришдаги детерминант роли комплекс тадқиқ этилади. Олим, аксиология қадриятлар ҳақидаги фан сифатида, объектив равишда, Шарқда қадим замонлардаёқ прогрессив ривожланганлигини илмий асослайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу эволюцион ривожланиш, биринчи навбатда, адолат, ахлоқ ва ватанпарварлик каби фундаментал қадриятларга бағишланган файласуф ва мутафаккирларнинг гносеологик асарлари туфайли амалга ошган [7, 1298]. Қ.Назаров Ўрта Осиё олимлари томонидан илгари сурилган бу парадигмал ғоялар, шак-шубҳасиз, жаҳон аксиологиясида ўз онтологик ўрнини топганлигини ва умуминсоний меросимизнинг имманент қисми эканлигини илмий асослайди.

Хусусан, эпистемологик-герменевтик жиҳатдан олиб қараганда, зардуштийликнинг теософик манбаси “Авесто”да ростгўйлик ва гуманизм каби аксиологик қадриятлар яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги перманент антагонистик кураш сифатида тадқиқ этилади. Бу борада Қ.Назаров

“Авесто”да эксплицит акс эттирилган этик тамойиллар ва конструктив интилишлар минтақада кейинги ахлоқий таълимотларнинг прогрессив ривожланиши учун методологик асос бўлганлигини илмий асослайди.

Степанова, Никипорец ва Ҳадайчукларнинг фикрича, замонавий тилшуносликдаги аксиологик тушунчалар ҳар хил маданий ва технологик муҳитларга қараб ўзгаради, шу аснода глобаллашув, технологик тараққиёт ва ижтимоий ўзгаришларнинг ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг ўзгаришига таъсири каттадир. Масалан, “эркинлик” каби атамаларнинг кенгайиши замонавий даврда шахсий мухторият, фуқаролик ҳуқуқлари ва ҳатто рақамли махфийликнинг турли жиҳатларини ўз ичига олган.

М.К. Ҳакимованинг тадқиқотида “маънавият” ва “ақл” каби отлар, уларнинг абстракт табиатига қарамай, ўзбек тилининг когнитив ориентирларини шакллантиришдаги аҳамияти таъкидланади (Ҳакимова, 2019). Абстракт отларда кўпинча ментал жараёнлар билан коррелятив боғлиқлик ва мураккаб когнитив ва лингвистик трансформациялар эксплицит намоён этади [8, 35]. Хусусан, “меҳр” ва “шафқат” каби лексемалар халқ тили ва адабиётида барқарор бўлган муҳим ижтимоий ва ахлоқий ориентирларни ифода қилиб, ўзбек маданиятининг қадриятларини воқелантиради (Ҳакимова, 2019).

Г.Қ. Қдирбоеванинг илмий тадқиқот ишида инглиз ва қорақалпоқ тиллари материаллари асосида “man” – “адам” концептосферасининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари ўрганилган. Муаллиф инсон образи билан боғлиқ маданий қадриятлар тилда идиоэтник характеристикалар ва структуравий хусусиятлар орқали акс этиши объектив равишда асослаган. Масалан, қорақалпоқ тилидаги “адам” ва инглиз тилидаги “man” концептлари нафақат инсонни англатиши, балки жамиятда инсоннинг ижтимоий ва маданий роли ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олган рамзий образ эканлигини эмпирик тадқиқотлар асосида исботлайди (Қдирбоева, 2017).

Ф.М. Маматова инглиз ва ўзбек тилларида оилавий анъаналар ва муносабатларни акс эттирувчи фразеологизмларнинг фразеологизмларнинг юқори аксиологик потенциалга эга эканлигини таъкидлайди. Бу фразеологизмлар оилавий муносабатлар ва иерархиянинг алоҳида аҳамиятини ифодалаб, миллий қадриятларни намоён этади. Олима “Қўшхотинлилик азоблари” ва “Қиз фарзанд тарбияси” каби ўзбек ибораларини таҳлил қиларкан, бу ибораларнинг инглиз тилига хос бўлмаган ўзига хос маданий коннотациялари мавжудлиги аниқланган (Маматова, 2022).

И.М. Мирзаалиевнинг илмий мақоласида қадимги турк мақолларидаги антонимия ва аллитерациянинг ўрни тадқиқ этилган. Бу тадқиқот турк халқларининг маданий қадриятлари ва тафаккур тузилишининг фольклор орқали ифодаланиш хусусиятларини илмий асосда ёритади. И.М. Мирзаалиев Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”

асаридаги фольклор мақоллари қадимги туркларнинг тил ҳодисалари ва образли тафаккурини сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Демак, тил бирликларининг аксиологик жиҳатдан ўрганилиши замонавий тилшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Аксиологик модаллик матннинг барча сатҳларига сингиб кетган лисоний-когнитив ҳодиса сифатида намоён бўлиб, матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Тил бирликлари орқали ифодаланадиган баҳолаш категориялари халқнинг миллий-маданий хусусиятлари, қадриятлари ва дунёкарашини акс эттиради. Мақоллар, фразеологизмлар ва бошқа барқарор бирикмалар халқнинг аксиологик тасаввурларини ифодалашда алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Алефиренко Н.Ф. Фразеология в свете парадигм. - М., 2008. - 271 с.
2. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Факт. - М., 1988.
3. Булыгина Т.В. Языковая концептуализация мира. - М., 1997. - 576 с.
4. Вежицкая А. Понимание культур посредством ключевых. - М., 2001.
5. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. - М., 2002. - 280 с.
6. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. - 208 с.
7. Носирова М. О. Отражение социальных ценностей в пословичных фондах английского, русского и узбекского языков //American journal of education and learning. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 1298-1307.
8. Носирова М. О. Пословичная языковая картина мира как объект аксиологических исследований в языкознании //Янги Ўзбекистон: инновация, фан ва таълим 7-қисм. – 2022. – С. 35.
9. Складеревская Г.Н. Метафора в системе языка. - СПб.: Наука, 1993. - 152 с.
10. Телия В.Н. Русская фразеология. - М., 1996. - 288 с.